

Фиқх дарслари (107-дарс). Қудуқларнинг ҳукмлари ҳақидаги фасл



13:33 / 22.10.2020 4662

(???????) ?????????? ??????????

Құдуқларнинг ҳукмлари ҳақидағи фасл

????? ?????? ??????? ???? ?????? ?????? ??????????

????????????? ???? ?????????????? ???? ?????? ??????

????????? ???? ??????: ?????????? ?????? ?????? ??????

????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????? ??????

????????? ??? ??????????. ?????? ?????? ????????????

????????????? ?????? ?????????? ?????? ???????

????????? ?????? ??????. ?????? ??????????

????????? ?????????? ?????? ??????. ?????????? ????????

????????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ????????

????????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????????

????????? ?????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????:

??????? ???????.

Бир қудуқقا нажас тушса ёки (унинг ичидаги) ҳайвон үлиб, шишиб кетса, ёхуд титилиб кетса, ё одам, қўй кабилар үлиб қолса, имкони бўлса, ундаги ҳамма сув чиқариб ташланади. Агар имкони бўлмаса, биладиган кишининг гапи илинда турган сувнинг миқдоричаси чиқариб юборилади.

Товуқдек нарсаларда ўртача пақирда қирқдан олтмишгacha, чумчуқка ўхшашда унинг ярми (миқдорича сув) олиб ташланади. (Сувни олишда) ўртача пақир ишлатилади, ўртача бўлмагани унга солиштирилади.

У(қудуқ)нинг нажас бўлиши, агар билинса, тушган вақтидандир. Билинмаса, бир куну бир кечадандир. Агар шишиб кетган бўлса, уч куну уч кечадандир. Икковлари (Абу Юсуф ва Муҳаммад): **«Топилган вақтидандир», деганлар.**

Албатта, бу фаслдаги зикр қилинган гаплар қадимги воқеъликдан келиб чиққандир. Ҳозирда бу каби ҳолатлар кам учрайди. Шундай бўлса ҳам, илм маъносида, гоҳида бўлса ҳам керак бўлиб қоладиган ҳодиса сифатида ўрганиб қўйганимиз зарар қилмайди.

Бир қудуқقا нажас тушса ёки (унинг ичида) ҳайвон ўлиб, шишиб кетса, ёхуд титилиб кетса, ё одам, қўй кабилар ўлиб қолса, имкони бўлса, ундаги ҳамма сув чиқариб ташланади.

Демак, қудук ёки сув жамланиб турадиган шунга ўхшаш нарсаларга бирор ҳайвон ёки одам тушиб, ўлиб қолса, ундаги барча сув нажасга айланиб қолар экан. Ўша қудуқдан яна фойдаланиш учун эса имкони бўлса, ундаги сувнинг ҳаммасини чиқариб ташлаш лозим бўлади. Яна янги сув тўлганидан кейин ундан аввалгидек фойдаланилаверади.

????? ?????????????? ?????? ?????? ?????? ??????
????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????:
????? ?????????????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????????
????????? ?????? ?????? ??? ?????? ?????????? ??????????
????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????????? ?????????????? ?????? ?????? ???????????:
???????????

Таҳовий ва Ибн Абу Шайба Ато раҳимаҳуллоҳудан сахих иснод ила ривоят қиласидилар:

«Бир ҳабаший Замзамга тушиб, ўлиб қолди. Абдуллоҳ ибн Зубайр амр қилди, унинг суви тортиб олинди. Сув тўхтамай чиқаверди. Қаралган эди, Ҳажарул асвад томондан булоқ оқаётган экан. Шунда Ибн Зубайр: «Етади», деди».

Агар имкони бўлмаса, биладиган кишининг гапи ила унда турган сувнинг миқдоричаси чиқариб юборилади.

Бу ерда қудуқнинг кўзини беркитиш имкони бўлмаган ҳол ҳақида сўз бормоқда. Унинг ичидаги сувни олиш билан ўрнига янги сув пайдо бўлиб қолаверади. Бундай ҳолда илмини биладиган киши «Бу қудуқда фалон миқдорда сув бор», деб гувоҳлик беради. Ўша миқдордаги сув олиб ташланганидан кейин қудуқдан аввалгидек фойдаланилаверади.

Товуқдек нарсаларда ўртacha пақирда қирқдан олтмишгача, чумчуқقا ўхшашда унинг ярми (миқдорича сув) олиб ташланади.

Албатта, бу гапдаги пақирлардан ўша вақтнинг пақирлари кўзда тутилган.

«Насбур-роя ли аҳодиси Ҳидоя» китобида зикр қилинишича, Анас розияллоҳу анҳудан, агар қудуқда сичқон ўлиб қолса-ю, дарҳол олиб ташланса, йигирма пақир сув олиб ташланиши лозимлиги ривоят қилинган.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан, агар қудуқда товуқ ўлиб қолган бўлса, қирқ пақир сув олиб ташланиши ривоят қилинган.

(Сувни олишда) ўртacha пақир ишлатилади, ўртacha бўлмагани унга солиштирилади.

Агар ичидан ўлик нарса топилган сув тортадиган пақир ўртacha бўлмаса, у ила олинаётган сув миқдори ўртacha пақир сифимиға солиштириб ўлчанади. Мисол учун, мазкур пақир ўртacha пақирдан икки баравар катта бўлса, йигирманинг ўрнига ўн пақир олиб ташланади. Агар пақир ўртачадан икки марта кичик бўлса, олтмишнинг ўрнига бир юз йигирма пақир сув чиқарилади.

У(қудуқ)нинг нажас бўлиши, агар билинса, тушган вақтидандир.

Яъни ўлик тананинг қудуққа тушган вақти маълум бўлса, унинг суви ўша вақтдан бошлаб нажас ҳукмига киради. Бирор киши мазкур вақтдан кейин ундан таҳорат қилган бўлса, таҳорати поклик ўрнига ўтмайди. У киши бошқа таҳорат қилиши ва намозларини ҳам бошқатдан ўқиши лозим бўлади.

Билинмаса, бир куну бир кечадандир.

Ўлик тананинг қудуққа қачон тушгани маълум эмас. Шу билан бирга, у шишиб ҳам кетмаган. Бу ҳолатда ўша кўрган вақтдан бир куну бир кеча

олдиндан бошлаб сув нажас, деган ҳукм чиқарилади. Мазкур муддат ичиде ўша қудуқдан қилинган таҳоратлар, ғусллар ҳисобга ўтмайди. Улар билан қилинган ибодатлар ҳам бошқатдан қилинади.

Агар шишиб кетган бўлса, уч куну уч кечадандир.

Чунки одатда ўлган нарса уч кунгача шишмайди.

Икковлари (Абу Юсуф ва Мұхаммад): «Топилган вактидандир», деганлар.

Бу мазкур икки имомнинг ижтиҳоди.

Уламоларимиз ўша қудуқдан сув оладиган пақирнинг ҳажми бугунги кун ўлчовларида олти ярим литр эканини айтишган.

Улар: «Агар ўша ўлик нарса топилган қудуқ ёки ҳовузнинг сувини ёнидан тешик ёки ариқ очиб оқизиб чиқариш имкони бўлса, ўшандоқ қилган маъқул», дейдилар.

«Қудуқ яқинида нажосатли нарса бўлса нима бўлади?» деган саволга уламолар икки хил жавоб берганлар.

Баъзилари: «Ўша нарса етти ёки ўн аршин узоқда бўлса, ҳечқиси йўқ», деганлар.

Бошқалари эса: «Бунда таъм, ҳид ва ранг ўзгариши эътиборга олинади», дейишган. Агар ўша нарса сувнинг ушбу уч сифатидан бирини ўзгартираётган бўлса, ундан таҳорат қилиб бўлмайди.

«Кифоя» китобидан